

*О.Т. Парпиев - Наманганский инженерно-строительный институт  
старший преподаватель*

*Д.Н.Ахатов - Наманганский инженерно-строительный институт  
учитель*

## **ОРГАНИЗАЦИЯ И ПРОВЕДЕНИЕ ПРАКТИЧЕСКОГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА**

*Аннотация: В данной статье рассматриваются формы организации и проведения процесса практического профессионального образования в профессиональных учебных заведениях, при этом особенности каждой формы выделены отдельно.*

*Ключевые слова и фразы: практическое обучение, профессиональное образование, учебная мастерская, студент, преподаватель, лаборатория.*

*О.Т. Parpiev - Namangan Engineering Construction Institute  
senior teacher*

*D.N. Akhatov - Namangan Engineering Construction Institute  
teacher*

## **ORGANIZATION AND CONDUCT OF PRACTICAL VOCATIONAL EDUCATION PROCESS**

*Abstract: This article discusses the forms of organizing and conducting the process of practical vocational education in vocational schools, with the features of each form highlighted separately.*

*Key words and phrases: practical training, vocational education, training workshop, student, teacher, laboratory.*

Амалий касбий таълим жараёни таълимнинг турли методларидан фойдаланилган ҳолда турли хил жойларда ташкил қилинади. Яъни уларнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- Амалий таълимни ўқув муассасасининг ўқув устахоналарида ташкил қилиш;

- Амалий касбий таълимни лабораторияларда ташкил қилиш;
- Амалий касбий таълимни полигон шароитларида ташкил қилиш;
- Амалий касбий таълимни тренажерларда ташкил қилиш;
- Амалий касбий таълимни ўқув цехларида ташкил қилиш;
- Амалий касбий таълимни таянч корхоналар цехларида ташкил қилиш;
- Амалий касбий таълим ажратилган ишчи жойларида ташкил қилиш;
- Амалий касбий таълимни ишлаб чиқариш шароитида ташкил қилиш.

#### 1. Амалий касбий таълимни ўқув устахоналарида ташкил этиш.

Бунда ҳар бир ўқув муассасасида ҳар битта касб бўйича ўқув устахоналари ташкил этилган бўлади. Бу ўқув устахоналари жиҳозланган бўлиб, унинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг техника ва технология асосларини ўрганишга, унумли меҳнатни ташкил қилиш ва умуммеҳнат, касбий кўникма ва малакалар асосларини ўзлаштиришга асос яратади. Ўқув устахоналари ўз навбатида ўқув устахоналари ва ишлаб чиқариш устахоналарига бўлинади. Ўқув устахоналарида асосан машқлар орқали умуммеҳнат ва касбий малака ҳамда кўникмалар шакллантирилади. Бунда унумли меҳнат амалга оширилмайди, яъни ўқувчилар унумли меҳнатда қатнашишмайди.

Ишлаб чиқариш устахоналари ишлаб чиқариш шароитига мослаштирилган бўлиб, бу ерда ўқувчилар ишлаб чиқариш таълими дастури асосида кўникма ва малакаларга эга бўлиш билан бирга унумли меҳнат билан шуғулланадилар.

Ўқувчиларга ўқув устахоналари ва ишлаб чиқаришнинг ўқув устахоналарида ишлаб чиқариш таълими бериш жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарсдир.

Амалий касбий таълим дарсининг тузилиши учта элементни: кириш йўриғи, ўқувчиларнинг машқи (мустақил иши), уларга амалиёт ўқитувчисининг жорий йўриқнома бериши ва яқунловчи йўриқномани ўз ичига олади.

2. Амалий касбий таълимни лабораторияларда ташкил қилиш. Баъзи касблар бўйича амалий касбий таълим дастурларида лаборатория ишларини бажариш кўзда тутилади. Лаборатория ишларини ўтказишда ўқувчиларда назарий билимлар мустаҳкамланиб, ўрганиш жараёнида ҳисоблаш ишлари бўйича кўникма ва малакалар шаклланади.

Ўқув лабораторияларида ўқув тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар махсус ускуналар, асбоблар, ҳаракатланувчан моделлар, макетлар, машина ва механизмлар билан жиҳозланган бўлиб, лабораторияларда ўқув фаолияти кичик гуруҳ шаклида ташкил қилинади.

3. Амалий касбий таълимни полигон шароитида ташкил қилиш. Кўп ҳолларда ўқув шароитида ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш учун ишлаб чиқаришнинг аниқ шароит воситасини ташкил этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга ошириш бўйича конструкциялар, катта ўлчамли қурилмалар, машина ва механизмлар билан жиҳозланган майдонлар ташкил қилинади. Бу майдончалар полигон деб аталади. Полигонларга: автотранспорт воситалари жойлашган, ўқув қурилма майдони, хилма-хил қурилма, машина ва механизмлар, кранлар ҳаракати учун очиқ майдонлар, геологик ва геодезик ишларни амалга ошириш учун ўқув далалари ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, полигонларда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш шароитига мос келган ҳолда кўникма ва малакаларини шакллантириш муаммолари ҳал қилинади.

4. Амалий касбий таълимни тренажёрларда ташкил қилиш. Тренажёрлар ишлаб чиқариш воситасини аниқ тасвирловчи ва назорат-ахборот қурилмасидир. Тренажёрлар ёрдамида ўқувчиларни ишлаб чиқариш шароитига тайёрлаш ва касби бўйича малакага эга бўлиши таъминланади. Яъни, тренажёрларда кўп марталаб машқлар қилиниб,

кўникма ва малакалар шакллантирилади, сўнгра ишлаб чиқариш шароитига, яъни ҳақиқий қурилма ва мосламаларга ўтилади.

5. Ўқув цехларида амалий касбий таълимни ташкил қилиш. Бу янги ташкилий шакл бўлиб, бунда ишлаб чиқариш объекти ишлаб чиқариш шароитига аниқ мослаштирилган, яъни кейинчалик ишлаши мумкин бўлган муҳит яратилган. Бу ерда реал маҳсулотларни чиқариш технологияси асосида жиҳозлар жойлаштирилган бўлади ва реал цех шароитини ташкил қилади ва ўқувчилар маҳсулот ишлаб чиқаради. Ҳозирги вақтда, саноат йўналишидаги, маиший хизмат, савдо-сотиқ ва бошқа йўналишларда кўп ўқув цехлари мавжуд.

6. Амалий касбий таълимни таянч корхоналарда ташкил этиш. Бунда асосан ўз билимларини чуқурлаштириш, касбий малака ва кўникмаларни талаб даражасига кўтариш, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиш, мустақил ишлашга ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишга тайёрлаш амалга оширилади.

7. Штат иш жойларида амалий касбий таълимни амалга ошириш. Бунда асосан ишлаб чиқариш-битирув амалиётлари амалга оширилади. Чунки корхоналар амалиётга келган ўқувчилардан ўзларига раҳбарлар тайинлашади, бу эса ўқувчилар малакаларини оширишда жуда муҳимдир.

8. Амалий касбий таълим (ўқув амалиёти, ишлаб чиқариш амалиёти, диплом амалиёти)ни ишлаб чиқариш шароитида амалга ошириш. Ўқувчилар ишлаб чиқариш шароитида таълим олаётганларда ўқув жараёнларини ташкил этишнинг шакллари қуйидагилардан иборат бўлади:

- малакали мутахассислар раҳбарлигида таълим олиши;
- ўқувчиларнинг малакали ишчиларга яқка тартибда бириктириб қўйилиши.

Ишлаб чиқариш жараёнининг барча асосий таркибий қисмлари, яъни мақсади, мазмуни, ўқувчиларнинг ўқув фаолияти (таълим бериш шакллари ва методлари), таълим воситалари ўзаро чамбарчас боғлангандир.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ҳамда амалий касбий таълим ўқитувчисининг ўқитиш фаолияти ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, биргаликда кечади.

### Адабиётлар

1. Скакун В.А. Ишлаб чиқариш таълими устози учун қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 1992. – 207 б.
2. Ходжабаев А.Р., Қосимов Ш.У. Амалий касбий таълимни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси”. - Т.: 2007. – 176 б.
3. Собиров Б.Б., Абдуназарова Н.Ф. ва бошқалар. Ўқув хоналари, устахона ва майдонларини жиҳозлаш меъёрлари. Ўқув-услубий қўлланма. Т.: 2016. 42 б.
4. Ходжабоев А. Р., Аноркулова Г. М., Парпиев О. Т. Касбий таълимда ўқитиш воситаларидан фойдаланиш методикаси //Услубий кулланма.– 2011. – 2011.
5. Парпиев О. Т. и др. Использование педагогических задач в процессе подготовки будущих специалистов //Экономика и социум. – 2021. – №. 11-2 (90). – С. 287-290.
6. Парпиев О. Т. и др. Способы достижения образовательной эффективности при совершенствовании педагогических процессов //Экономика и социум. – 2021. – №. 9 (88). – С. 623-626.
7. Парпиев О. Т. Использование игровых форм при подготовке студентов к педагогической деятельности //Молодой ученый. – 2020. – №. 24. – С. 424-426.
8. Парпиев, О.Т. (2015). Построение учебного процесса в системе повышения квалификации педагогических кадров. Молодой ученый, (21), 822-823.
9. Парпиев О.Т., Имамназаров Э.Д. Факторы формирования профессиональной компетенции будущих педагогов профессионального образования. // Экономика и социум.-2022.- №10-2(101).